# Тризим микрокапс®

*Для лечения ферментной недостаточности при заболеваниях желудочно-кишечного тракта*

**«УТВЕРЖДЕНО»**
ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники» при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан

## ИНСТРУКЦИЯ ПО МЕДИЦИНСКОМУ ПРИМЕНЕНИЮ

**Просим Вас внимательно прочесть данную инструкцию до того, как Вы начнете принимать лекарство. Она содержит важную для Вас информацию.** Сохраните эту инструкцию с информацией по применению, так как позднее Вам может потребоваться прочитать её еще раз. Для получения любой дополнительной информации или совета, пожалуйста, обратитесь к Вашему врачу или фармацевту. Ваш врач выписал данный лекарственный препарат Вам лично. Вы не должны передавать его другим лицам. Он может навредить им, даже если симптомы их заболевания схожи с Вашими.

**Торговое название препарата:** Тризим Микрокапс®
**Действующее вещество (МНН):** панкреатин
**Лекарственная форма:** капсулы 10 000 ЕД и 25 000 ЕД.
**Состав:**
***в одной капсуле содержится:***
*Тризим Микрокапс® 10 000:*
*активное вещество:* панкреатина- 0,150 г, что соответствует активности не менее:
- 10000 липолитических ЕД
- 8000 амилолитических ЕД
- 600 протеолитических ЕД

*Тризим Микрокапс® 25 000:*
*активное вещество: панкреатина* - 0,375 г, что соответствует активности не менее:
- 25000 липолитических ЕД
- 20000 амилолитических ЕД
- 1500 протеолитических ЕД

**Описание:** Твердые желатиновые капсулы, прозрачно-коричневого цвета, размером 3 (для дозировки 10 000 ЕД) и размером 1 (для дозировки 25 000 ЕД).
***Содержимое капсулы*** - гранулы от белого, бежевого до темно-коричневого цвета.
**Фармакотерапевтическая группа:** Пищеварительное ферментное средство.
**Код АТХ:** A09AA02.

**Фармакологические свойства**
***Фармакодинамика***
Тризим Микрокапс® содержит панкреатин,который представляет собой порошок из ферментов поджелудочной железы животного происхождения, в форме покрытых кишечно-растворимой оболочкой (стойкой к кислой среде) микросфер в желатиновых капсулах.
Капсулы быстро растворяются в желудке, высвобождая множество микросфер по мультидозовому принципу, что обеспечивает хорошее перемешивание их с содержимым желудка, далее их транспорт из желудка вместе с его содержимым дает хорошее распределение ферментов внутри содержимого кишечника.
Когда микросферы попадают в двенадцатиперстную кишку, оболочка быстро распадается (при pH>5,5), высвобождая ферменты с липолитической, амилолитической и протеолитической активностью, что обеспечивает расщепление жиров, углеводов и белков. Продукты панкреатического пищеварения после этого всасываются сразу или после дальнейшего гидролиза кишечными ферментами.

***Фармакокинетика***
Добавки ферментов поджелудочной железы не требуют всасывания для достижения своего эффекта. Наоборот, их полное терапевтическое действие проявляется в просвете желудочно-кишечного тракта. Более того, как белки они подвергаются протеолитическому пищеварению, проходя через желудочно-кишечный тракт, прежде чем абсорбироваться в виде пептидов и аминокислот.

**Показания к применению**
Заместительная терапия экзокринной (ферментной) недостаточности поджелудочной железы у детей и взрослых, обусловленной снижением ферментативной активности поджелудочной железы вследствие нарушения продукции, регуляции секреции, доставки панкреатических ферментов или повышенного их разрушения в просвете кишечника, что вызвано разнообразными заболеваниями желудочно-кишечного тракта, и наиболее часто встречающейся при:
- муковисцидозе;
- хроническом панкреатите;
- панкреатэктомии;
- гастрэктомии;
- раке поджелудочной железы;
- состоянии после полной или частичной резекции желудка (например гастроэнтеростомия по Бильрот II);
- обструкции панкреатического или общего желчного протока (например, опухолью);
- синдроме Швахмана-Даймонда;
- состоянии после обострения острого панкреатита с момента перевода пациента на энтеральное питание.

Препарат можно принимать для улучшения переваривания пищи у пациентов с нормальной функцией ЖКТ в случае погрешностей в питании (употребление жирной пищи, переедание, нерегулярное питание и т.д.).

***Информация о правильном применении***
**Способ применения и дозы**
*Всегда применяйте Тризим Микрокапс® точно в соответствии с рекомендацией Вашего лечащего врача. Если Вы в чем-либо не уверены, спросите у Вашего врача или фармацевта.*
Капсулы для приема внутрь.
Капсулы следует глотать целыми не разжевывая и запивая достаточным количеством жидкости или употребить с легкой закуской. Препарат рекомендуется принимать во время или сразу после еды.
При затрудненном глотании (дети и лица пожилого возраста), капсулы осторожно вскрывают, а минимикросферы добавляют к мягкой пище, не требующей пережевывания и имеющей кислый вкус (pH < 5,5), или принимают с жидкостью, также имеющей кислый вкус (pH < 5,5). Например, микросферы можно добавлять к яблочному пюре, йогурту или фруктовому соку (яблочному, апельсиновому или ананасовому) с pH менее 5,5. Такую смесь следует принимать немедленно и не хранить.
Размельчение или разжевывание микросфер, а также смешивание их с пищей или жидкостью с pH более 5,5 может разрушить их защитную кишечнорастворимую оболочку. Это может привести к раннему высвобождению ферментов в полости рта, снижению эффективности и раздражению слизистых оболочек. Необходимо убедиться, что во рту не осталось микросфер.
Во время лечения препаратами Тризим Микрокапс® 10 000, Тризим Микрокапс® 25 000 очень важно употребление достаточного количества жидкости, особенно в период ее повышенной потери. Дефицит жидкости может вызвать запор.
*Дозирование для взрослых и детей при муковисцидозе.*
Доза для взрослых и детей зависит от массы тела и должна составлять в начале лечения 1000 липазных единиц/кг на каждый прием пищи для детей в возрасте до 4 лет, и 500 липазных единиц/кг во время приема пищи для детей старше 4 лет и взрослых.
Дозу следует определять в зависимости от выраженности симптомов заболевания, результатов контроля стеатореи и поддержания адекватного нутритивного статуса.
Для большинства пациентов доза должна оставаться меньше или не превышать 10000 липазных единиц/кг массы тела в сутки или 4000 липазных единиц/г потребленного жира.
*Другие состояния, сопровождающиеся экзокринной недостаточностью поджелудочной железы*
Дозу следует устанавливать с учетом индивидуальных особенностей пациента, к которым относятся степень недостаточности пищеварения и содержание жира в пище. Доза, которая требуется пациенту вместе с основным приемом пищи, варьирует от 25000 до 80000 ЕД липазы, а во время приема легкой закуски - половина индивидуальной дозы.
*Доза для улучшения переваривания пищи у пациентов с нормальной функцией ЖКТ в случаях погрешностей в питании* зависит от массы тела и содержания жира в пище, варьирует от 10000 до 20000 ЕД липазы на один прием.
У детей препарат должен применяться в соответствии с назначением врача.

**Побочные действия**
*Как и любой лекарственный препарат, Тризим Микрокапс® может вызвать побочные реакции, хотя они проявляются не у каждого.*
Для описания частоты побочных реакций использованы следующие категории: очень часто (≥10%), часто (≥1% - <10%), нечасто (≥0,1% - <1%) и частота неизвестна.
При применении препарата Тризим Микрокапс® возможны следующие нежелательные реакции:
*Нарушения со стороны желудочно-кишечного тракта:* очень часто - боль в животе, часто - тошнота, рвота, запор, вздутие живота, диарея, частота неизвестна - стриктуры подвздошной, слепой и толстой кишки (фиброзирующая колонопатия);
*Нарушения со стороны кожи и подкожных тканей:* нечасто – сыпь, частота неизвестна - зуд, крапивница;
*Нарушения со стороны иммунной системы:* частота неизвестна - гиперчувствительность (анафилактические реакции).
*Если у Вас отмечаются любые другие побочные реакции, не описанные в этой инструкции, пожалуйста, сообщите Вашему врачу или фармацевту.*

***Информация, необходимая до начала применения лекарственного средства***
**Противопоказания**
Не применяйте Тризим Микрокапс® в следующих случаях:
- повышенная чувствительность к компонентам препарата;
- острый панкреатит или обострение хронического панкреатита;

*С осторожностью:* во время беременности.

**Лекарственные взаимодействия**
*Пожалуйста, сообщите лечащему врачу или фармацевту о том, что Вы принимаете или недавно принимали какие-либо другие препараты, даже если они отпускаются без рецепта.*
Исследование взаимодействия не проводились.

**Особые указания**
У больных муковисцидозом, которые принимали высокие дозы панкреатина, отмечали сужения илеоцекального отдела кишечника и толстой кишки (фиброзирующая колонопатия). В качестве предупредительной меры рекомендуется в случае появления необычных абдоминальных симптомов или изменения характера симптомов основного заболевания исключить возможность поражения толстой кишки, особенно если пациент принимает более 10 000 ЕД липазы/кг/сут.
***Применение при беременности и в период лактации***
*Если Вы обнаружили, что беременны во время применения Тризим Микрокапс®, немедленно сообщите об этом Вашему врачу, так как только он может решить вопрос о необходимости продолжения лечения.*
Данные клинических исследований по воздействию ферментов поджелудочной железы на течение беременности отсутствуют. Назначать препарат беременным женщинам следует с осторожностью, если предполагаемая польза для матери превышает потенциальный риск для плода.
В период кормления грудью можно принимать ферменты поджелудочной железы. При необходимости беременные или женщины, которые кормят грудью, могут принимать Тризим Микрокапс® в дозах, достаточных для обеспечения адекватного статуса питания.
***Применение в педиатрии.***
Тризим Микрокапс® можно применять детям.
***Способность влиять на скорость реакции при управлении автотранспортом или другими механизмами.***
Препарат не оказывает влияние на скорость психомоторных реакций.

**Передозировка**
*При приеме более высокой дозы, чем Вам назначено, обратитесь за помощью к врачу.*
*Симптомы:* гиперурикемия и гиперурикозурия.
*Лечение:* отмена препарата, проведение симптоматической терапии.

**Форма выпуска**
Капсулы по 10 000 и 25 000 ЕД. По 10 капсул в блистере из алюминевой фольги или в контурные ячейковые упаковки. По 1, 2, 3, 4, 5 блистера или контурные упаковки вместе с инструкцией по медицинскому применению помещают в картонную упаковку.

**Условия хранения**
Хранить в сухом, защищенном от света месте, при температуре от 15ºС до 25ºС.
Хранить в недоступном для детей месте.

**Срок годности**
3 года (с даты производства пеллет).
Не применять по истечении срока годности.
**Условия отпуска из аптек**

Без рецепта врача.

**Производитель/Наименование и адрес организации, принимающей претензии (предложения) по качеству лекарственного средства:**
ООО «NIKA PHARM»
Республика Узбекистан, г. Ташкент, 7-проезд ул. Сайрам, дом 48-А.
Тел: +998 78 150 86 68; Факс: + 998 78 150 84 48
www.nikapharm.uz

NIKAPHARM
фармацевтическая компания

Отзывы и пожелания от потребителей по качеству лекарственной продукции и информацию о каких-либо побочных действиях или об отсутствии эффективности лекарственного средства просим направлять по следующему адресу или сообщать по телефону:

Республика Узбекистан, г. Ташкент, 7-проезд ул. Сайрам, дом 48-А.
+(998 78) 150-86-68
+(998 78) 150-84-48
info@nikapharm.uz
www.nikapharm.uz

«TASDIQLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni
saqlash vazirligi huzuridagi
«Dori vositalari, tibbiy buyumlar
va tibbiy texnika ekspertizasi va
standartlashtirish davlat markazi» DUK

# Тризим микрокапс®

*Ошқозон ичак йўллари касалликларидаги фермент етишмовчилигини даволаш учун*

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

**Мазкур қўллаш бўйича йўриқномани дорини қабул қилишдан олдин диққат билан ўқиб чиқишингизни илтимос қиламиз. Унда Сиз учун муҳим маълумотлар мавжуд.** Қўллаш бўйича маълумотни тутувчи ушбу йўриқномани сақлаб қўйинг, чунки кейинчалик Сизда уни яна бир бор ўқиб чиқишга зарурат туғилиши мумкин. Илтимос, ҳар қандай қўшимча маълумот ёки маслаҳатни олиш учун ўзингизнинг шифокорингиз ёки фармацевтингизга мурожаат қилинг. Сизнинг шифокорингиз ушбу дори препаратини шахсан Сизга тайинлаган. Уни Сиз бошқа шахсларга берманг. Препарат уларга зиён етказиши мумкин, ҳаттоки уларнинг касаллик симптомлари Сизники билан ўхшаш бўлса ҳам.

**Препаратнинг савдо номи:** Тризим Микрокапс®
**Таъсир этувчи модда (ХПН):** панкреатин
**Дори шакли:** 10 000 ТБ ва 25 000 ТБ даги капсулалар.
**Таркиби:**
***бир капсула қуйидагиларни сақлайди:***
Тризим Микрокапс® *10 000:*
*фаол модда:* 0,150 г панкреатин қуйидагилардан кам бўлмаган фаолликларга мувофиқ:
- 10000 липолитик ТБ
- 8000 амилолитик ТБ
- 600 протеолитик ТБ

Тризим Микрокапс® *25 000:*
*фаол модда:* 0,375 г панкреатин қуйидагилардан кам бўлмаган фаолликларга мувофиқ:
- 25000 липолитик ТБ
- 20000 амилолитик ТБ
- 1500 протеолитик ТБ

**Таърифи:** Шаффоф жигарранг рангли қаттиқ желатинли капсулалар, № 3 ўлчамли (10 000 ТБ дозаси учун), № 0 ўлчамли (25 000 ТБ дозаси учун).
***Капсула таркиби*** – оқиш рангдан оч-сарғиш туқ-жигарранг ранггача бўлган гранулалар.
**Фармакотерапевтик гуруҳи:** овқат ҳазм қилиш фермент воситаси.
**АТХ коди:** А09АА02

### Фармакологик хусусиятлари

***Фармакодинамикаси***
Тризим Микрокапс® желатинли капсулалардаги ичакда эрийдиган қобиқ билан қопланган (кислотали муҳитга чидамли) микросфералар шаклидаги ҳайвонлардан олинган (ошқозон ости бези ферментларининг кукуни) панкреатинни сақлайди.
Капсулалар меъда ичида тез эрийди, мультидоза қоидаси бўйича кўп сонли микросфераларни ажратиб чиқаради, бу уларни меъда ичидаги билан яхши аралашишини таъминлайди, ундан кейин уларни меъда ичидагиси билан бирга ҳаракатланишига ва ферментларни ичак ичидагисида яхши тақсимланишига олиб келади
Микросфера ўн икки бармоқ ичакка тушганидан сўнг унинг қобиғи (pH>5,5 да) тез парчаланади ва липолитик, амилолитик, протеолитик фаолликка эга бўлган ферментларни ажратиб чиқаради, бу ёғлар, углеводлар ва оқсилларни парчаланишини таъминлайди.
Панкреатик овқат ҳазм бўлиши натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар дарҳол ёки кейинроқ ичак ферментлари томонидан гидролизга учраганидан сўнг сўрилади.

***Фармакокинетикаси***
Меъда ости бези ферментларини киритмаси ўзининг самарасига эришиши учун сўрилишни талаб қилмайди. Аксинча, уларнинг тўлиқ терапевтик таъсири меъда-ичак йўлларининг ичида намоён бўлади. Улар оқсиллар сифатида, пептидлар ва аминокислоталар кўринишида сўрилишдан олдин меъда-ичак йўллари орқали ўтишда протеолитик овқат ҳазм бўлишига учрайдилар.

### Қўлланилиши

Болалар ва катталарда меъда ости бези ферментатив фаоллигининг панкреатик ферментлар ишлаб чиқарилиши, ажралишининг бошқаруви, етказилишининг бузилишлари ёки уларнинг ичаклар бўшлиғидаги парчаланишининг ошиб кетиши билан асосланган ва меъда-ичак йўлининг турли хил касалликлари билан чақирилган, ҳамда қуйидаги ҳолатларда энг кўп учрайдиган экзокрин (ферментли) етишмовчилигининг ўринбосар давоси:
- муковисцидоз;
- сурункали панкреатит;
- панкреатэктомия;
- гастрэктомия;
- меъда ости бези раки;
- меъдани тўлиқ ёки қисман резекцияси (масалан, Бильрот II бўйича гастроэнтеростомиясидан) кейинги ҳолат;
- панкреатик ёки умумий ўт йўлининг обструкцияси (масалан, ўсма билан);
- Швахман-Даймонд синдроми;
- бемор энтерал озиқланишга ўтказилган вақтдан бошлаб, ўткир панкреатитнинг зўрайишидан кейинги ҳолат.

Препарат нормал ошқозон-ичак функцияси бўлган беморларда овқатланишда хатолар (ёғли овқатларни истеъмол қилиш, ортиқча овқатланиш, тартибсиз овқатланиш ва бошқалар) бўлса, овқат ҳазм қилишни яхшилаш учун олиниши мумкин.

***Тўғри қўллаш ҳақида маълумот***
**Қўллаш усули ва дозалари**
*Ҳар доим Тризим Микрокапс® ни Сизнинг даволовчи шифокорингиз тавсияларига аниқ амал қилган ҳолда қўлланг. Агар Сиз нимадандир иккилансангиз, ўзингизнинг шифокорингиз ёки фармацевтингиздан сўранг.*
Ичга қабул қилиш учун капсулалар
Капсулаларни бутунлигича, синдирмасдан ва чайнамасдан етарли миқдордаги суюқлик билан бирга ютиш ёки енгил нонушта билан истеъмол қилиш керак. Препаратни овқатланиш вақтида ёки овқатдан кейин дарҳол қабул қилиш тавсия этилади.
Агар капсулани бутунлигича ютиш мумкин бўлмаса (болалар ва кекса ёшли шахслар), уни очиш ва микросферик гранулаларни чайнашни талаб қилмайдиган ва нордон таъмга (pH<5,5) эга юмшоқ овқатга қўшиш, ёки шунингдек нордон таъмга (pH<5,5) эга бўлган суюқлик билан қабул қилиш керак. Масалан микросфераларни pH 5,5 дан кам бўлган олма бўтқасига, йогуртга ёки мева (олма, апельсин ёки ананас) шарбатига қўшиш мумкин. Бундай аралашмани дарҳол қабул қилиш керак, сақлаш мумкин эмас.
Микросфераларни майдалаш ёки чайнаш, шунингдек уларни pH 5,5 дан юқори бўлган овқат ёки суюқлик билан аралаштириш, уларнинг ичакда эрувчи ҳимоя қобиқларини парчалаши мумкин. Бу ферментларни оғиз бўшлиғида эрта ажралиб чиқишига, самарадорлигини пасайишига ва шиллиқ қаватларни таъсирланишига олиб келиши мумкин. Микросфераларни оғизда қолмаганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.
Тризим Микрокапс® 10000, Тризим Микрокапс® 25000 препаратлари билан даволаниш вақтида етарли миқдордаги суюқликни, айниқса суюқлик йўқотилиш даврида сувни куп микдорда истеъмол қилиш жуда муҳимдир. Суюқликнинг танқислиги қабзият чақириши мумкин.
*Муковисцидозда катталар ва болалар учун дозалаш*
Катталар ва болалар учун доза тана вазнига боғлиқ ва даволанишнинг бошида 4 ёшгача бўлган болалар учун ҳар бир овқат қабул қилиш вақтида тана вазнининг ҳар кг га бошланғич доза 1000 ТБ даги липазани ташкил қилади, 4 ёшдан бошлаб болалар учун ҳар бир овқат қабул қилиш вақтида тана вазнининг ҳар кг га - 500 ТБ липаза ташкил қилади;
Дозани касалликнинг оғирлик даражаси, стеатореянинг назорати ва тегишли нутритив ҳолатни ушлаб турилишидан келиб чиққан ҳолда танлаш керак.
Кўпчилик беморлар учун тутиб турувчи доза тана вазнининг ҳар кг га суткада 10 000 ТБ даги липазадан ёки 1 грамм истеъмол қилинган ёғга 4000 ТБ даги липазадан ошмаслиги керак.
*Меъда ости безининг экзокрин етишмовчилигини бошқа турларида дозалаш*
Овқат ҳазм бўлишининг бузилиш даражаси ва овқатнинг ёғли таркибига қараб, дозани индивидуал равишда танлаш керак.
Асосий овқат қабул қилишлар вақтида доза 25 000 дан 80 000 ТБ гача липаза бўлиши мумкин, енгил егулик қабул қилиш вақтида эса, индивидуал дозанинг ярмини ташкил қилиши керак.
*Овқат ҳазм қилиш тизими нормал бўлган беморларда овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилаш учун* овқатланишдаги хатолик ҳолатларида тана вазнига ва озиқ-овқат таркибидаги ёг миқдорига боғлиқ бўлиб, ҳар бир дозада 10 000 дан 20 000 ТБ липазгача ўзгаради.
Болаларда препаратни шифокорнинг кўрсатмаси бўйича қўллаш керак.

### Ножўя таъсирлари

*Ҳар қандай дори воситаси каби, Тризим Микрокапс® ҳам, ҳар бир истеъмолчида кузатилмаса-да, ножўя таъсирлар чақириши мумкин.*
Ножўя таъсирларни учраш сонини таърифлаш учун қуйидаги тоифалар қўлланилади: жуда тез-тез (≥10%), тез-тез (≥1% - <10%), тез-тез эмас (≥0,1% - <1%) ва тез-тезлиги номаълум Тризим Микрокапс® препаратини қабул қилганда қуйидаги ножўя таъсирлар чақирилиши мумкин:
*Меъда ичак йўли томонидан бузилишлар:* жуда тез-тез - қорин оғриғи, тез-тез - кўнгил айниши, қусиш, қабзият, қориннинг дам бўлиши, диарея, тез-тез лиги номаълум - ёнбош, кўр ва йўғон ичакнинг стриктураси (фиброз колонопатия);
*Тери ва тери ости тўқималари томонидан бузилишлар:* тез-тез эмас – тошма; тез-тезлиги номаълум - қичишиш, эшакеми;
*Иммун тизими томонидан бузилишлар:* тез-тезлиги номаълум - ўта юқори сезувчанлик (анафилактик реакциялар).
*Агар Сизда ушбу йўриқномада таърифланмаган ҳар қандай бошқа ножўя таъсирлар қайд этилса, илтимос, Ўзингизнинг шифокорингиз ёки фармацевтингизга хабар беринг.*

***Дори воситасини қўллашни бошлашдан олдин зарур бўлган маълумот***
**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**
Тризим Микрокапс® ни қуйидаги ҳолларда қўлламанг:
- препаратнинг таркибий қисмларига юқори сезувчанлик;
- ўткир панкреатит, сурункали панкреатитнинг зўрайиши;

*Эҳтиёткорлик билан:* ҳомиладорлик даврида

### Дориларнинг ўзаро таъсири

*Агар Сиз бошқа дори воситаларини ичаётган бўлсангиз ёки бироз олдин ичган бўлсангиз, улар рецептсиз бериладиган бўлса ҳам, илтимос , ўзингизнинг шифокорингиз ёки фармацевтингизга бу ҳақида хабар беринг.*
Ўзаро таъсирининг текширишлари ўтказилмаган.

### Махсус кўрсатмалар

Панкреатиннинг юқори дозаларини қабул қилган, муковисцидози мавжуд беморларда ичакнинг илеоцекал бўлими ва йўғон ичакнинг торайиши аниқланган (фиброз колонопатия). Ғайриоддий абдоминал белгилар пайдо бўлган ҳолларда ёки асосий касаллик белгиларининг хусусияти ўзгарганида, олдини олиш чораси сифатида, йўғон ичакнинг шикастланиши мумкинлигини, айниқса агарда бемор суткада 10000 ТБ даги липаза/кг дан кўпроқ қабул қилаётган бўлса, истисно қилиш керак.
***Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланиши***
*Агар Сиз Тризим Микрокапс® қабули вақтида ҳомиладор эканлигизни аниқлаган бўлсангиз, зудлик билан бу ҳақида Ўзингизнинг шифокорингизга хабар беринг, чунки фақат у даволашни давом эттириш заруратига оид масалани ҳал қилиши мумкин.*
Меъда ости бези ферментлари ҳомиладорликнинг кечишига таъсири бўйича клиник текширувларнинг маълумотлари йўқ, шунинг учун ҳомиладор аёлларга эҳтиёткорлик билан буюриш керак, агар онага мўлжалланган фойда ҳомила учун потенциал хавфдан ошса.
Эмизиш даврида меъда ости безининг ферментларини қабул қилиш мумкин.
Зарурат бўлганида ҳомиладорлар ёки эмизувчи аёллар, Тризим Микрокапс® ни овқатланишнинг тегишли ҳолатини таъминлаш учун етарли дозаларда қабул қилишлари мумкин.
***Педиатрияда қўлланиши.***
Тризим Микрокапс® ни болаларга қўллаш мумкин.
***Автотранспорт ёки бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти***
Препарат психомотор реакциялар тезлигига таъсир қилмайди.

### Дозани ошириб юборилиши

*Сизга тайинланган дозадан кўпроқ дозани қабул қилганингизда зудлик билан шифокорингизга ёрдам сўраб мурожаат қилинг.*
*Белгилари:* гиперурикемия ва гиперурикозурия
*Даволаш:* препаратни қабул қилишни тўхтатиш, симптоматик даволаш ўтказилади.

### Чиқарилиш шакли

Капсулалар 10 000 ва 25 000 ТБ даги. 10 капсуладан алюмин фолгали блистерларга ёки контур уяли ўрамларга жойланган. 1 та, 2 та, 3 та, 4 та, 5 та блистерлар ёки контур уяли ўрамлар тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон қутига жойланади.

### Сақлаш шароити

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 15ºС дан 25ºС гача бўлган ҳароратда сақлансин.
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### Яроқлилик муддати

3 йил. ( пеллетларни ишлаб чикарилган санасидан бошлаб)
Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

### Дорихоналардан бериш тартиби

Шифокор рецептсиз.

### Ишлаб чиқарувчи/Дори воситасини сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

«NIKA PHARM» МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7-тор кўчаси 48-А уй.
Тел: + 998 78 150 86 68; Факс: + 998 78 150 84 48.
www.nikapharm.uz

NIKA PHARM
Фармацевтик компания

Дори воситасини сифати тўғрисидаги истеъмолчиларнинг истак ва таклифлари ва препаратнинг таъсир самарасизлиги ёки ҳар қандай ножўя таъсир тўғрисидаги маълумотни қуйидаги манзилга юборишингизни ёки телефон орқали ҳабар беришингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7- тор кўчаси, 48-А уй
+(998 78) 150-86-68
+(998 78) 150-84-48
info@nikapharm.uz
www.nikapharm.uz